



Проект

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**  
**Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини**  
**лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21**  
**февралдаги 80-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори**  
**VQL-4648/22-3**

Сўнги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни такомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар пайдо бўлиши ва қўпайишига йўл қўймаслик, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг амалдаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жавобгарлигини ошириш зарурияти юзага келмоқда.

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, етказиб берилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишларини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 8-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган Низомга 7-илоvasи 9-бандида қуйидаги мазмундаги “т” кичик банд билан тўлдирилсин:

“т) ишлаб чиқарувчилар этил спирти ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш, солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминлаш, шунингдек, товарларни (маҳсулотларни) идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш ва акциз маркасини қўллаш қоидаларига риоя қилиш.”.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. Арипов**